

Тадбиркорлар қабули бўлиб ўтди



Шеробод тумани ҳокими Усмон Алимов ҳамда сектор раҳбарлари иштирокида тадбиркорлар билан учрашув ўтказилди.

Унда тадбиркорларни қийнаб келаётган муаммолар, фаолиятини кенгайтириш учун ташаббуслар ва янги лойиҳа таклифлари тингланди ҳамда уларнинг мурожаатлари масъуллар иштирокида кўриб чиқилди.

Ушбу қабул давомида 40 нафарга яқин тадбиркор иштирок этиб, уларнинг мурожаатлари бирма-бир тингланди. Ижро муддати билан ҳар бир мурожаатга тегишли масъуллар бириктирилди.